
Мультирадар. У нима ва қандай вазифани бажаради?

Фарғона вилоят ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси томонидан брифинг ўтказилди. Унда Оммавий ахборот воситалари, Ахборот хизматлари вакиллари ва блогерлар иштирок этишди.

Тадбирда Германиянинг Атлас компаниясида ишлаб чиқарилган Мульти Радар CD (Multaradar CD) приборининг тақдимоти ўтказилди. МультиРадар CD прибори Нексия 3 автомобилига ўрнатилган бўлиб, асосан йўлларда тезликни қайд қилишга мўлжалланган.

Мазкур приборлар ўрнатилган автомобиллар бугунги кунгача Андижон, Наманган, Тошкент ва Фарғона вилоятларига берилган. Ҳозирда вилоятимизга шу русумдаги 4 та автомашина келтирилган. Яна битта автомобил Тошкент шаҳрида йиғилаётгани ҳақида маълумот берилди.

Демак, яқин кунларда вилоятимиз кўчаларида юқоридаги приборлар билан жиҳозланган 5 та автомобил патрулик хизматини ўташни бошлайди. Мазкур автомобиллар Ички ишлар вазирлигининг одатдаги, бизга таниш бўлган автомашиналаридек махсус белгилар, сирена ва бошқалар билан жиҳозланмаган. Бир вақтнинг ўзида олтига полосагача бўлган йўлни бемалол назорат қилади. Айтишларича, прибор фаолиятига инсон омилининг таъсири минимал даражада.

МултаРадар техник хусусиятлари:

Датчик роботи	24 GHz частотали датчик роботи
Тезлик чегараси	Тезликни ўлчаш 10 км/с дан 300 км/с гача
Камера	Robot SmartCamera III 11/16 мегапикселли камераси ранг/монохром
Флаш чирог	Флаш чирогининг давомийлиги 1/1000 сек, секундига 2-15 марта милтилдади, горизонтал бурчак оралиги 30°
Шахсий интерфейси	6.5 ТФТ дисплейи
Интерфейси	USB/тармоқ узатиш интерфейси (FTP, XML)
Харорат	-25° С дан +60° С гача
Кувват сарфи	30 Вт
Оғирлиги	7,5 кг
Кўшимча далиллар	фото
Ихтиёрий автомобиль турларини таснифлаш	Енгил ва юк автомобилларга ажратади
Химоя даражаси	IP 54 даража
Маълумот хавфсизлиги	фотосуратлари рақамли имзоланади
Кўшимча функциялар	24/7 плуг анд-плай



Тунги вақтларда фотосуратга олиш имконини берувчи флеш чирок

Автомобиллар тезлигини ўлчаш учун махсус тўлқин таркатувчи радар қурилмаси



Қоидабузарлик содир этган транспорт воситаларининг русуми ва давлат рақам белгисини фотосуратга олиш учун фотокамера



Қоидабузарликлар хақидаги маълумотларни кўрсатувчи дисплей монитор



Махсус автомобиль юкхонасига жойлаштирилган МултаРадар CDнинг қувватлагичи ва маълумотларни узатувчи қурилма

Прибор автомашина ҳаракатда бўлган, тўхтаб турган, рўпарангиздан ва ортингиздан келаётган барча ҳолатларда тезлигини ўлчаб, меъёрдан ошиш ҳолатларини автоматик равишда қайд қилиб боради. Агар тезликни меъёрдан оширган бўлсангизу, йўлингизда бирорта ҳам ЙПХ инспектори ёки бирор турдаги радар учрамаган бўлса-да, уйингизга тезликни оширганлигингиз бўйича жарима қоғози келиб тушса, билингки Сиз қаердадир МультиРадар CD билан жиҳозланган автомашина билан тўқнаш келгансиз.



2020-02-08 06:38:52